Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 15 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 73 (7166)

Da'vat

Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

Дени ДИДРО

Ibrat

Учқўрғон тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 660 нафар фарзандига дарсликлар туркуми ҳадя қилинди. Шунингдек, тумандаги меҳнат жамоалари ҳам 630 нафар ўқувчига мактаб либослари ва бошқа кийимкечаклар тухфа этишди.

БЕШ ҚИТЪА БИРЛАШДИ



Мана, бир неча кундирки, пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида нуфузли теннис мусобақалари давом этмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган «Президент кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири қизғин паллага кирди. Олтинчи бор ўтказилаётган ушбу турнир, ҳеч муболағасиз, беш қитъани бирлаштирди.

13 сентябрь куни «Юнусобод»нинг марказий ўйингоҳида халқаро теннис турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртимизда ўтказилаётган ушбу турнирнинг ташкилотчиси Сассон Какшури майдон узра саф тортиб турган 26 мамлакат вакилларининг Тошкентда ажойиб теннис байрамини ўтказишларига шароит яратиб берган Ўзбекистон раҳбарига ва мусобақа ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор этди.

Сўз Президентимиз Ислом Каримовга берилди. Юртбошимиз «Президент кубоги» қатнашчиларини, теннис мухлисларини ва меҳмонларни қизғин муборакбод этди. Юртимиз учун яхши анъанага айланиб қолган «АТР - Tour» таснифига кирувчи халқаро теннис мусобақаларини ўтказиш мухлислари муҳаббатини қозонган теннис усталарининг ташриф буюриши билан ўзгача жозиба кашф этишини таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бугунги турнирда иштирок этишга хоҳиш билдириб, имкон топган етакчи теннисчилар - россиялик Е.Кафельников ва М.Сафин, англиялик Г.Русецки, германиялик Н.Кифер, словакиялик К.Кучера ва Ян Кросляк, франциялик С.Пиолин, швейцариялик М.Россе, чехиялик Д.Вацек, арманистонлик С.Саргсианларни алоҳида қутлади.

Мамлакатимизда кундан-кунга оммалашиб бораётган ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон андозаларига мос шарт-шароит яратилганлиги боис, оддий ўзбек қизи Ирода Тўлаганова Уимблдонда қизлар ўртасидаги турнир ғолиби сифатида халқимиз фахрига айланди. Пойдевори 1994 йилда «Президент кубоги» мусобақаларининг ташкил этилиши билан қўйилган Ўзбекистон тенниси бугун дунё нигоҳини ўзига қаратган. 26 давлатдан ташриф буюрган 80 га яқин теннисчининг турнирдаги иштирокини юртимиздан ташқари Би-Би-Си, Си-Эн-Эн, Рейтер, И-Эс-Пи-Эн, Евроспорт, Теле-де-Порто, «Израиль Канал Спорт» каби телеканаллар орқали бутун дунё кузатиб бориши мумкин.

«Президент кубоги» VI Халқаро теннис турнирини очиқ деб эълон қилар экан, Юртбошимиз бу турнирда ютқазадиганлар бўлмаслигига ишонч билдирди. Чунки иштирокчилар бизнинг юртимизда кўплаб мухлислар, янги дўстлар орттирадилар.

Шундан сўнг марказий ўйингоҳ узра давлатимиз мадҳияси янграб, Республикамиз байроғи кўтарилди. Йиғилганларга ажойиб теннис спектакли намойиш этилди. Турнирнинг биринчи ўйини бўлган бу томошада арманистонлик Саргис Саргсиан ва словакиялик Карл Кучера ўзаро куч синашди. Теннис бобида ўзининг яққол устунлигини намойиш этган С.Саргсиан икки сетда 6:1, 6:4 ҳисобида ғолиб чиқиб кейинги босқичга ўтди.

(Давоми 4-бетда)

Суратларда: теннис турнирининг очилишидан лавҳалар.

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

JUMLADA JAHON

• Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига Олий Мажлис депутатлари сайловида қатнашишларига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

• «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

• Тошкентда Корея республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

• 12 сентябрда Москва шаҳрининг Гурьянов кўчасидаги уйларнинг бирида содир этилган портлашдан сўнг бир кун ўтгач, шу шаҳарнинг Каширск кўчасидаги аҳоли-турар жой биносида ҳам айнан шундай мудҳиш воқеа юз берди.

• Қирғизистондаги кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари мамлакат жанубидаги қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

• Туркманистонда шу йилнинг охиригача тўрт минг нафардан олти минг нафаргача ҳибсдагиларни авф этиш кўзда тутилаётир.

• Болгариянинг Пловдив шаҳрида Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари кўп миллатли тинчликпарвар қуролли кучлари штабининг очилиш маросими бўлди.

Erkin fikr

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТ ҲИССИ

ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ЎРГАТИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЎРНИ

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтгандан буён маънавий-ахлоқий комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш бош масалалардан ҳисобланиб, бу борада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик жамият аъзоларидан, хусусан, ёшлардан мустақил фикрга, нуқтаи назарга эга бўлишни талаб этаётир. Бу борада муҳтарам Президентимиз И. Каримовнинг «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир», деган сўзлари жуда долзарб ва муҳимдир. Бу сўзлар замирида Ватанига, халқига, миллатига фидоий, мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай масалани онгли, масъулият билан ҳал қиладиган изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни тайёрлаш масаласи ётади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ҳам жамиятда мустақил фикрловчи шахсларни шакллантиришдан иборатдир. Бу эса таълим-тарбия ходимларига жуда катта масъулият юклайди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мувофиқ, таълим-тарбияга янгича ёндошиб, ёшларнинг фикр мустақиллигини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, мустақил ишлашга оид ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Буни ёшларни мустақил таълим олишга, эркин фикр юритишга йўллайдиган янги педагогик технологиялар асосида амалга ошириш мумкин.

Янги педагогик технология-педагогик жараённи мазмунли, самарали амалга ошириш усули бўлиб, ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини, ижодий изланишлари, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга, мустақил фикрлаш, мушоҳада юритишга қаратилган таълим-тарбия беришнинг фаол шакл, усул ва воситалари мажмуасидир.

(Давоми 2-бетда)

Yangicha ish usuli

ТАЪЛИМДАГИ ЭҲТИЁЖ

Янгидан жорий этилган «Умумий ўрта таълим муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари» лавозимининг Низомга кўра мақсади, асосий вазифалари ҳамда ҳуқуқлари жиҳатдан амалий фаолият доираси жуда ҳам кенг. У бевосита мактаб директори билан, синф раҳбари, мактаб психологи, ота-оналар қўмитаси, алоҳида оилалар, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек, ҳомийлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Мақсад эса, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш. Миллий ғоя ва мафкуранинг моҳиятини англатиш, ёшларни бой тарихий меросимизга, анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллатимизга, Ўзбекистон халқига садоқат руҳида тарбиялаш орқали баркамол шахсларни шакллантиришдан иборат. Демак, мақсад ва вазифалар аниқ. Савол туғилиши табиий: «Бундай кенг қамровли, серқирра фаолиятни қандай қилиб самарали амалга ошириш мумкин?».

Ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ таълим муассасаларининг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Ҳ. Абдуллаев номидаги 2-умумтаълим мактабида бўлдик.

Ҳамма жойда бўлгани каби бу масканга ҳам ўқув йилининг биринчи куни мактаб ўқувчиларию ўқитувчилари билан бирга ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳомийлар ва халқ таълими раҳбарлари ташриф буюрдилар. Юқорида биз кенг қамровли, серқирра дея баҳолаган вазифани бажариш бошланди. Мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ашраф ака Ҳасанов фарзандларини илк марта мактаб остонасига етаклаб келган ота-оналар билан суҳбат ўтказди. Уларни бугундан бошлаб мактаб жамоасининг доимий ҳаммаслак, ҳамкорлари бўлишга даъват этди.

— Ибрат бўла олишнинг ўзи ҳам каттагина тарбия воситаси,- дейди биз билан суҳбатда Ашраф ака. — Қирқ йилдан буён таълим ишида бўлганим боис, бунга кўп бор иқрор бўлганман. Ўқувчи ўз номи билан ўқувчи.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёғ дафтарига

ЯНГИ МАТО

Японияда «Асохи касой» фирмаси мутахассислари томонидан ҳид тортадиган мато кашф қилинди. Ҳозирча, янги матодан пардалар ва ёпинчиқлар, шунингдек, тамаки компанияларида меҳнат қиладиган ишчилар учун кийимкечаклар тайёрланмоқда.

КЎРСАТКИЧ ОШМОҚДА

БМТ мутахассислари томонидан тарқатилган хабарлар кейинги 50 йил ичида узоқ умр кўриш кўрсаткичи 20 ёшга ўсганлигини кўрсатмоқда. Хабарларда таъкидланишича, бундан буён ҳам ўсиш жараёнининг давом этиши кутилмоқда.

УЛКАН КЕМА

Машҳур Уолт Дисней компанияси ходимларининг ғояси ва лойиҳасига кўра, икки минг нафар йўловчи сигадиган янги улкан кема яратилди. Ички қисми кемага мутлақо ўхшамайдиган бу йирик иншоат палубасидан ҳатто чинакам пальмалар ва қайноқ қумли чангалзор, минг кишилик кинотеатр ҳамда учта ҳовуз ҳам ўрин олган.

САБАБИ НИМАДА?

Маълумки, кейинги вақтларда миқти гавдали японларнинг бўйлари ўсиши кузатилмоқда. Мутахассисларнинг айтишларича, бунга сабаб, сўнгги пайтларда мамлакатда анъанавий гуруч, дон-дун ва балиқ маҳсулотлари ўрнига сувли, сутли ҳамда маккажўҳори ва ундан тайёрланган овқатларнинг кўплаб истеъмол қилинишидир.

ТЕРРОРЧИЛАР ЁВУЗ НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

ЎзА мухбирлари Қирғизистоннинг Боткент туманидан хабар қилади:

Қирғизистон жанубидаги Боткент туманида ўрнашиб олган халқаро террорчиларни тугатиш бўйича кескин чоралар кўрилмоқда. 11 сентябр куни Боткентда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ҳ.Турсунов Қирғизистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Россия ҳарбий маҳкамасининг юқори мартабали вакиллари билан учрашди. Қирғизистон ҳарбийлари ўз ҳамкорларини тумандаги ҳарбий ва оператив вазият билан таништирди, Қирғизистон ҳукумати томонидан жангарилар олдига қўйилган ультиматум шартларидан хабардор этди. Учрашув давомида қўпорувчиларни йўқ қилиш бўйича Қирғизистон томони тайёрлаган режа билан танишилди, ўзаро ҳамкорлик масалалари батафсил муҳокама этилди.

* * *

Боткент ва Чўн-Олой тумани аҳли, шунингдек, Қирғизистоннинг маҳаллий ва марказий раҳбарияти жангарилар бостириб кирган дастлабки вақт билан қиёслаганда ҳозир мазкур ҳудуддаги ҳарбий-сиёсий вазият анча яхшиланганини эътироф этмоқда. Мустақил давлат ҳудудига қурол билан бостириб кирган ҳар қандай куч мақсади ва маслагидан қатъий назар, истисносиз йўқ қилиниши даркорлиги ҳозир ҳар бир кишининг қалби ва онгидан жой олган.

Шунингдек, кузатувчилар ҳудуддаги вазиятнинг ўнгланишига Қирғизистон ҳарбийларининг етарли куч тўплагани ва ҳарбий бошқарувнинг қатъиятли қўмондон А. Чўтбоев қўл остига ўтгани ҳам ижобий таъсир этганини таъкидламоқдалар.

* * *

Террорчилар дастлабки вақтларда алдов ва пул эвазига маҳаллий аҳолидан мадад олиб турган. Бироқ, вақт ўтиши билан улар ўзларининг асл қиёфасини намойиш этди. Талончилик, босқинчилик, аёллар номусига тегиш каби жиноятлар мард тоғликларни жангариларга бездирди. Дастлаб қуролли одам қаршисидаги имконсизлик туфайли босқинчиларга мадад беришга мажбур бўлган оддий халқ ҳозир уларга ҳар томонлама қаршилик кўрсатмоқда. Қочқинларнинг маълум қилишича, ҳозир жангарилар лагерида аҳвол оғир. Ҳарбийлар босимига қаршилик билан банд бўлган жангарилар тўйиб овқат ейишни унутган. Яқинлашиб келаётган қиш нафаси уларни тобора безовта қилмоқда.

Турли сабабларга кўра террорчилар лагерида бўлган ва уларнинг қўлидан қутулиб келган кишиларнинг маълумот беришича, босқинчиларнинг қандайдир юксак мақсадларни кўзлаган жамоа экани ҳақидаги миш-мишлар ёлғон. Улар оддий жиноий тўдалардан фарқ қилмайдиган босқинчилардир. Бошлиқлари яхши кийинган, яхши қуроллар билан таъминланган, иссиққина жойларга ўрнашиб олган. Оддий жангариларнинг усти-боши эса юпун, кўзларида қўрқув ва мутелик туйғулари акс этиб туради.

* * *

Дастлабки вақтларда Қирғизистон қуролли кучларининг ҳаракатсизлиги, айрим сиёсатдонларнинг амалий ишдан кўра қуруқ гап-сўзларга маҳлиёлигидан фойдаланган халқаро террорчилар баланд тоғлар бағридаги бир неча қишлоқларни босиб олгани маълум. 3 сентябрь куни жангариларнинг кичик бир тўдаси тоғларнинг қуйи қисмидаги Қорабулоқ қишлоғигача тушиб келади. Бироқ, босқинчиларнинг беҳаё хатти-ҳаракатидан норози бўлган аҳоли уларни ўз қишлоғидан ҳайдаб солган. Шундан сўнг жангарилар баланд тоғ қишлоқларида мустаҳкамланиб олиш ҳаракатига тушган. Бу ҳодиса жангариларнинг ўзлари таъкидлаганидек, қўшни Ўзбекистон томон ҳаракат қилаётганидан эмас, балки тоғларда ўзларига янги бир лагер ташкил этиш ниятида эканлигидан далолат беради, дейиш мумкин.

* * *

Маълумотларга қараганда жангарилар гаровда сақлаб турилган тўрт япон геологи учун бир ярим миллион АҚШ доллари миқдорида товон сўраган. Бироқ, Япония томони террористларга ҳеч қачон ён бермаслик, уларга ҳеч қандай товон тўламаслик позициясига содиқ бўлгани учун бу таклифни рад этган. Япония томонининг вакилларидан бири, «яхшиси, биз бу пулни Қирғизистон ҳарбийларига берамиз, токи бундай жангариларни таг-туги билан йўқ қилиб ташласин», деган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жангарилар япон геологларини охирги вақтгача ўзларига қалқон сифатида сақлаб туради. Маълумотларга қараганда, улар Абрамов музлигида жойлашган жангарилар лагерларидан бирида сақланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТ ҲИССИ

(Боши 1-бетда)

Ўқувчилар томонидан билимларни мустақил эгаллашга ундовчи ўқитишнинг муаммоли усули, мунозаралар, дидактик ўйинлар, махсус ижодий топшириқлар, ялпи ва муайян бир гуруҳга доир топшириқларни бир-бирига қўшиб олиб бориш таълим жараёнидан муносиб ўрин олиши зарур.

Демак, ўқувчиларни эркин фикрлашга йўллаш, ижодий фаолиятларини ривожлантириш учун жонли мулоқот, баҳс-мунозара, дидактик ўйин каби ноанъанавий дарс шаклларидан самарали фойдаланиш катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга.

Ёшларнинг экологик ва ҳуқуқий таълимини ҳуқуқий демократик давлат талаблари даражасида олиб бориш ҳам мактабларимиз олдида турган ҳозирги энг муҳим муаммолардандир. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёш авлоднинг пухта экологик ва ҳуқуқий билимга эга бўлиши мамлакатимиз келажагини белгилайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларга табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини ўргатиш зарур.

Мана шуларга амал қилган ҳолда, биз биология дарсларини мусобақа, мунозара, суд, синов, конференция, дидактик ўйин, амалий машғулот каби шаклларда ташкил этишга катта эътибор қаратдик. Шундай дарслардан бири: «Республика ҳукуматининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ва қарорларини биласизми?» деган мавзудаги дидактик ўйин машғулоти шаклида ташкил қилинди. Бу машғулот дастурдаги инсон экологияси мавзуси билан боғланган бўлиб, ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилишга ўргатиш мақсадида дарсдан ташқари ўтказилди. Машғулотни ўтишдан икки ҳафта олдин ўқувчилар билан биргаликда мавзуга оид саволлар тузиб чиқилди ва шу саволларга мустақил тайёргарлик кўриш учун тегишли адабиётлар тавсия этилди.

Мавзу бўйича саволлар қуйидагича:

1. Нима учун ва қачон ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши томонидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди?
2. Мустақил Республикамизнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қандай моддалар бор?
4. Табиатни муҳофаза қилиш объектларига нималар киради?
5. Нима учун табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарур?
6. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича ваколатлар кимларга берилган?
7. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари ҳақида қандай фикрлар билдирилган?
8. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
9. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни бузгани учун фуқаролар қандай ҳолларда ҳуқуқий жавобгарликка тортилади?
10. Вазирлар Маҳкамасининг табиат муҳофазасига оид қандай қарорларини биласиз?
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка доир қандай моддалар бор?

Машғулот бошлангач, ўқитувчи унинг қандай ўтказилиши ҳақида ўқувчиларга қисқача йўлланма берди. Сўнг синф ўқувчилари икки гуруҳга ажратилиб, «Мўъжизалар майдони» ўйини ташкил қилинди. Саволлар конвертларга солиниб, махсус айлантиргичли майдонга териб чиқилди. Ҳар бир гуруҳдан навбати билан бир ўқувчи «Мўъжизалар майдони» ёнига таклиф қилинди. Ўқувчи айлантиргични айлантириб, кўрсаткич қайси рақам қаршисида тўхтаса, шу рақам остидаги конверт ичида ёзилган саволга жавоб берди. Гуруҳнинг қолган ўқувчилари лозим бўлганда жавобни тўлдирдилар. Шу тарика гуруҳлар ўртасида ўзаро мусобақа, фикр алмашиниш, мулоқот бошланди. Бу машғулотда ҳар бир ўқувчи жуда катта қизиқиш билан фаол иштирок этишга ҳаракат қилди. Гуруҳлар жавобига баллар қўйиб борилди.

Машғулот ўқувчиларнинг табиат муҳофазасига, ҳуқуқ асосларига оид билимларини янада кенгайтириш, мустаҳкам ўзлаштиришни таъминлаши билан бирга, ўқувчиларни мустақил фаолиятга, эркин фикрлаш, ўз қобилият ва имкониятларини мумкин қадар рўёбга чиқаришга ёрдам берди.

М. НИШОНБОЕВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

ТАЪЛИМДАГИ ЭҲТИЁЖ

(Боши 1-бетда)

Айтмоқчиманки, у нафақат китоб ўқийди, балки катта ёшдагиларнинг, айниқса, ўз атрофидаги унга мунтазам таъсир этиб турувчиларнинг туриш-турмуши, одобахлоқи, сўзлашиши ҳамма-ҳаммасидан дарс олади. Яъни у хоҳлаймизми, йўқми ота-онасига, ўқитувчисига, хуллас, катта ёшдагиларга, уларнинг бевосита ва билвосита таъсирига қараб шаклланади. Шундай экан, аввало, биз ўзимиздаги масъулиятни англаб етишимиз жуда муҳим. Қолаверса, ўқувчилар иштирокидаги дарслар, тўгараклар, турли тадбирлар орқали ҳар бир болага қандай бўлиш кераклигини намоён эта олишимиз шарт.

Бунинг учун яна ҳамкорлик қилиш, қилганда ҳам ота-оналардан тортиб, ҳомийларгача, маҳалладан тортиб бошқа жамоат ташкилотларигача қамраб олиниши керак. Токи, ҳамма, ким қаерда бўлмасин, таълим-тарбия ишига дахлдор эканлигини ҳис қилиб турсин. Ана шунда барчамиз учун олий мақсад - баркамол авлодни вояга етказишдек шарафли ишни муваффақият билан адо этамиз.

Янги ўқув йили учун маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг иш режасини кўздан кечира туриб, бир нарса эътиборни тортди. Режада болаларнинг ёш хусусиятлари, жойнинг шарт-шароитлари, анъаналари қаторида турли ижодий бирлашмалар, илмий-марказлар фаолияти билан алоқалар ҳам инобатга олинган. Ҳар бир тадбир аниқ дастур ва мақсад асосида ўтказилишига алоҳида эътибор берилган.

Биргина қишлоқ мактабида маънавий-маърифий тарбия ишлари юзасидан қилинаётган юмушларни кузатиб қуйидаги айрим хулосаларни ясашга эҳтиёж сездик. Яъни, бундай таълим ва тарбия ўзагини ташкил этувчи фаолият билан шуғулланиш учун аввало малака, кўникма, қолаверса, қобилият керак бўлади. Шу боис, умумий ўрта таълим муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари тўғрисидаги Низомда бу лавозимга камида 5 йиллик иш фаолиятига эга бўлган, қобилиятли, маҳалла ва ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ кишилар тайинланиши бежиз белгилаб қўйилмаган экан. Бундан ташқари, ишни самарали ташкил этиш ва олиб бориш учун ўзи маънавий-маърифий тарбия кўрган, бошқаларни ҳам шундай бўлиши учун ўзида том маънода эҳтиёж сезадиган кадрларгина бу лавозимга лойиқ экан. Зеро, улардан мактаб атрофида барчанинг бошини қовуштиришдек масъулиятли иш талаб қилинади.

Фахриддин КАРИМОВ

ТАНТАНА ЯҚИН

Устозлар улуғланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Байрамни алоҳида тайёргарлик билан, кўтаринки руҳда ўтказиш мўлжалланаётир. Шу боис яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёш авлодни юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни замон талаблари даражасида билимлар билан қуроллантиришда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган педагог ходимлар иззатини жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этаётган мураббийлар меҳнатини муносиб шарафлаш ҳамда 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрамига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида. буйруқ қабул қилди. Чунончи, байрамни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ХТВ нинг ишчи гуруҳи тузилди ва вазирликнинг тадбирлари белгилаб олинди.

Тадбирларга мувофиқ тарзда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари маҳаллий ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмиталари билан келишган ҳолда байрамни нишонлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишлари лозим. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, шаҳар, туман миқёсида ва ҳар бир таълим-тарбия муассасаларида тантанали йиғилишлар ўтказиш, шунингдек, жойлардаги ҳокимликлар, касаба уюшмалари қўмиталари, халқ таълими фахрийларини ўзларининг тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш ҳамда моддий-маънавий рағбатлантириш каби масалалар акс эттирилган бўлиши лозим. Албатта, булар маҳаллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларида бевосита ёритиб борилади.

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар мажлисларга маорифимизнинг ҳақиқий фидойилари, янгилик яратган ўқитувчилар, нишондор мураббийлар ташриф буюришади. Улар кўргазмаларда, намунали илм масканларида бўладилар. Тошкент шаҳрининг тарихий обидаларини, шу билан бирга мустақиллик йилларида бунёд этилган маҳобатли биноларни, қисқаси, пойтахтимизнинг энг гўзал жойларини томоша қилишиб, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар эса мустақиллик руҳидаги шиорлар ва таълим-тарбия тўғрисидаги ҳикматли сўзлар ҳамда бошқа турли жиҳозлар билан безатилади. У ерларда умумхалқ сайиллари, «Бир пиёла чой устида суҳбат» маросимлари, учрашувлар, кўнгилочар спорт ўйинлари ташкил қилинади. Тантаналар ўтказиладиган майдонларда озиқ-овқат, саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дарслик ва ўқув ашёлари савдолари уюштирилади. Маросимларга фахрий педагоглар ва меҳнат фахрийлари таклиф қилиниб, табрикланади. Муҳими, байрам муносабати билан нафақадаги нуроний ва ногирон педагоглар ҳамда меҳнат фахрийлари йўқланади, совғалар топширилади.

Сирасини айтганда, бундай ғамхўрликларни давлатимизнинг устозларга, хусусан, илм равнақига, келажакка эътибори, дея эътироф этиш жоиз. Зеро, бундай тадбирлар барча мураббий-муаллимларни янги-янги зафарларга чорлаши шубҳасиздир.

Юртимизда ҳар йилгидек, 1999 йилда ҳам «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни алоҳида кўтаринки руҳда умумхалқ байрами сифатида ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан учинчи маротаба ўтказиладиган бу байрамга қизғин ҳозирлик кўрилар экан, байрамни ташкил этувчи ва ўтказувчиларга ёрдам сифатида қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Мактабларда, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасаларда, академиклицей, касб-ҳунар коллежларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда, корхоналарда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрамини ўтказиш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг устоз-мураббийга бўлган муносабатларининг энг яхши намуналари мисолида ўқувчи-ёшлар, умуман инсонлар дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жамиятнинг фаол ва онгли шахсини тарбиялашга ёрдам берувчи ўқитувчи ва мураббийлар халқ педагогикаси, алломалар ўгитлари асосида уларнинг ахлоқ-одобга, билимга бўлган қарашларини ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқ лозим.

2. «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами тантаналарига ота-оналар, маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъат аҳли, ўсмон ташкилотлар, фахрий ўқитувчилар, «Умид», «Камолот», «Улуғбек», «Маҳалла» «Нуроний», «Устоз» «Олтин мерос» каби жамғармалар, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш керак. Байрам доирасида дарс, тарбиявий соат, семинар-адабиёт, адабий-бадиий ва илмий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиши мумкин.

3. Байрам тантаналари «Ўқитувчи-улуғ ном, у мағрур жаранглайди», «Устоз-отангдай улуғ», «Устоз ва мураббийлар, сизларни шарафлаймиз», «Мен севган устоз», «Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим», «Устозлар куни – умумхалқ байрами» каби мавзуларда ўтказилиши мумкин. Шунингдек, ёш мусаввирлар, ёш ҳунармандлар, ёш раққосалар, ёш чеварлар кўрик-танловларини, ёш полвонлар, ёш спортчилар. ўткир зеҳнлилар, топқирлар мусобақаларини, шеърхонлик ва мушоираларини ўтказиш лозим.

4. Устоз ва мураббийлар байрамини нишонлашда ўтганлар руҳини шод этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрамини қуйидагича режа асосида ўтказиш мумкин:

— 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами – дам олиш куни эканлиги;
— ўқитувчи — улуғ зот эканлиги ҳақида;
— ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатининг қадр-қиймати ҳақида;
— буюк устозлар ҳақида (Ўқитувчилар сулоласи ҳақида) гапириш;
— шунингдек,
— ўқитувчиларни тақдирлаш, совғаларни бериш;
— ривоят, ҳикоялар, шеър ва қўйқўшиқлар ижро этиш;
— саҳна лавҳаларидан, спорт ўйинларидан намойиш этиш;
— санъаткорлар чиқишини ташкил қилиш;
— сайил-саёҳатга бориш;
— нафақахўр, фахрий ўқитувчилар ҳузурида бўлиш;
— кўргазма ташкил этиш, ким ошди савдосини уюштириш мумкин.

Байрамни икки босқичли тадбир асосида ўтказиш ҳам мумкин.

Биринчиси – маърифий, маънавий тадбирлар бўлса, иккинчиси кўнгил очар, эстетик завқ-шавқ олишга бағишланган ўйин-кулги, томошали тадбирлардир. Шунингдек, саёҳат ва сайилларга, музей ва муқаддас қадамжойларга, «Хотира ва Қадрлаш» майдонларига, ҳайвонот боғларига бориш ҳам лозим.

Мактаб, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасалар ва ўқув юртларида «Ўқитувчи ва мураббийлар» байрами театрлаштирилган режа асосида олиб борилса, байрамнинг эстетик тарбиявий қимматини янада оширади. Бунинг учун мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, ўқув юртларининг ҳаваскорлик драма театри аъзолари, мусиқа ва чолғу асбоблари тўгаракларнинг иштирокчилари билан театрлаштирилган бадиий қисмлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Шаҳрисабз, Термиз, Хива шаҳарларига ўқитувчилар саёҳатини уюштириш. Бу ишларда халқ таълими бўлими, ҳокимият, маҳалла, ҳомий ташкилотлар, санъат ва адабиёт аҳли ҳамкорликда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Томошалар, концертлар, мусиқали кечалар ва лекторийларга устозу ёш мураббийлар ва ўқувчиларнинг бепул киришини таъминлаш, шунингдек, ижодкор ходимлар гуруҳларини таълим-тарбия муассасаларига ташриф буюришлари, «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрамини ўтказишни Республика, вилоят, шаҳар, туман оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш мақсадга мувофиқдир. Байрам ўтказиладиган жойни безашда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

«Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрамини ўтказиш учун, аввало, саҳна мавзуга мос қилиб, дид билан безатилиши — ўқитувчи-устоз ҳақида Ҳадису шариф, Қуръону Карим, Юсуф Хос Ҳожиб, А. Жомий, А. Навоий, А.Авлоний, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сўзларидан намуналар битилиб, шиор қилиб осиб қўйилиши;

— Давлат Байроғи, Герби, Мадҳиясини жойлаштирилиши;
— «Қуръону Карим», «Ҳадису шариф», «Қутадғу билиг», «Қобуснома», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокаматул луғатайн», «Одобнома», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Алифкорлар билан таъминланиши, азалий ўзбекона удумга биноан шодиёна қарнай-сурнай садолари билан бошланиши лозим.

Қуйида байрам тантаналари ўтадиган жойни безашда фойдаланиш учун буюк алломаларнинг устоз ва мураббийлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан намуналар илова қиламиз:

1. Ўқув қайда бўлса, улуглик бўлур,
Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.
Юсуф Хос Ҳожиб

2. Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила.
А. Навоий

3. Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
А. Жомий

4. Устоз, муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.
А. Жомий

5. Устозлар-азиз юртнинг энг азиз, энг улуг ва муътабар кишиларидандир.
И.А. Каримов

6. Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир.
Абдурауф Фитрат

7. Сиздан бошланади асли тафаккур,
Munис муаллимлар, сизга ташаккур!
Абдулла Орипов

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Rasmiy bo'lim

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» БАЙРАМИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

БАРЧАГА БИРДЕК ЗАРУР

(Саидов А, Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. Ўқув қўлланмаси. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. 4146.)

Ҳуқуқшунослик соҳасидаги дарсликлар тақчиллигини эътиборга олган ҳолда олимларимиз ўқув дастурлари, илмий оммабоп адабиётлар ва дарсликлар яратишмоқдалар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси олимларининг ҳиссалари каттадир. Охирги пайтларда олимларимиз, профессорлар У.Таджиханов, А.Саидовлар томонидан бир неча китоблар, дарсликлар ва қўлланмалар яратилаётганлигини кузатиб келмоқдамиз.

Уларнинг яна бир муҳим дарслиги, «Давлат ва ҳуқуқ асослари» номли ўқув қўлланмаси ўқитувчи ва талабалар қўлига тегди. Унда тушунчалар, таърифлар, чизмалар, саволлар, тестлар ўзбек ва рус тилларида берилган.

Ўқув қўлланмаси тўрт бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлимда давлат асослари бўйича асосий тушунчалар ва таърифлар, чизмалар берилган. Унда ўқувчи давлатнинг келиб чиқиши, унинг белгилари, асосий функциялари, шакллари, ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари ҳақида тушунчага эга бўлади. (6-40 бетлар).

Иккинчи бўлим «Ҳуқуқ асослари» деб номланиб, ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ҳуқуқ ва ахлоқ, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий норма тузилиши, турлари, ҳуқуқ манбаи, ҳуқуқий муносабатлар, юридик жавобгарлик турлари бўйича тушунчалар, таърифлар ва чизмалар берилган (40 - 46 бетлар).

Учинчи бўлим ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоғи бўлган Конституциявий ҳуқуқ асосларига бағишланган. Унда Конституция ва унинг ривожланиши, мустақил Ўзбекистон Конституцияси, давлат рамзлари, халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принциплари, Конституция, демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳақида тушунчалар ҳамда уларга тааллуқли чизмалар ёритилган (96 -172-бетлар).

Тўртинчи бўлимда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича такрорлаш учун 120 та савол-жавоблар ва тестлар келтирилган бўлиб, бу ўқув материалини пухта ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда ўзига хос аҳамиятга эга (173 - 203-бетлар).

Мазкур ўқув қўлланмаси Республикада истиқлол йилларида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳуқуқ масалаларининг энг янги замонавий ишланмаларидан фойдаланиб яратилган.

Дарсликни қўлга олар экансиз, тарихий ўтмишимиз ва миллий анъаналаримизнинг бой маънавий меросларига асосида ёзилганлигининг гувоҳи бўласиз. Шу билан бир қаторда, муаллифлар умуминсоний қадриятлар ва тамойиллардан, турли мамлакатлар ва минтақалар давлат ва ҳуқуқ назариясининг замонавий ютуқларидан, маълумотлардан моҳирона фойдаланишган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича ёзилган дастлабки нашрлардан биридир. Дарслик содда, ихчам, тушунарли тилда ёзилганлиги билан нафақат ўқитувчиларга ва талабаларга, балки мактаб ўқувчиларига ҳам муҳим қўлланма бўла олади.

Ҳозирги пайтда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ўтилаётган таълим муассасаларидан давлат ва ҳуқуқ асослари, Конституциявий ҳуқуқ масалалари билан бирга ҳуқуқ тизимининг фуқаролик, маъмурий, меҳнат, оила, жиноят, ер, молия ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари ўрганилади. Шу сабабли дарсликни яратишда муаллифлар ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоғи бўлган Конституциявий ҳуқуқ билан чегараланиб қолмасдан, бошқа ҳуқуқ тармоқларини ҳам шу шаклда, яъни таърифлар, чизмалар, тестлар асосида ёритиб беришганда, дарслик янада мукаммал қўлланмага айланарди. Шу жумладан, биз келгусида муаллифлардан дарсликнинг давомини кутиб қоламиз.

Фикримизни хулосалайдиган бўлсак, профессорлар А.Саидов, У.Таджихановлар томонидан яратилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» номли ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқшунослик ва педагогика фанларининг янги ютуғи сифатида баҳоланиши лозим.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Тошкент Давлат аграр университети катта ўқитувчиси, илмий тадқиқотчи

ТЕРРОРЧИЛАР ЁВУЗ НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

* * *

Қирғизистон томонининг бир неча бор мурожаат қилишига жавобан Тожикистон ҳукумати баланд тоғлар устидан ўтган чегараларни ёпиш имкони йўқ, демоқда эди. Жангариларни узилкесил йўқ қилиш режасини амалга оширишни бошлаган Қирғизистон ҳарбийлари Тожикистонга ўтадиган тоғ йўллари ва сўқмоқларига махсус тайёргарликдан ўтган аскарлар ва тоғлардаги нишонларни уришга имкон берадиган зенит тўпларини туширди. Шу билан жангариларнинг Тожикистонга қочиб ўтиш ва мадад олиш йўллари беркилди.

Айни пайтда қирғиз ҳарбийлари террорчиларнинг жойлашиб олган тоғ дараларидан чиқиб кетмаслиги учун лозим бўлган бошқа тадбирларни ҳам кўрмоқда. Тоғлар оралиб ўтадиган барча йўл ва сўқмоқлар назоратга олинган. Амалда жангарилар тўрт томондан қуршовга тушиб қолди. Ҳарбийлар ортиқча талафот кўрмаслик учунгина жиддий ҳаракатлардан тийилиб туришганини маълум қилмоқда.

* * *

Босқинчиларнинг режадаги ишлари учун асосий маскан бўлган Боткент туманининг қуйи ҳудудларида тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Ўқув муассасалари, бозорлар, савдо дўконлари ишлаб турибди. Ўтган ҳафтанинг пайшанба-жума кунлари туман марказидаги қочқинлар лагерида турган 6 минг нафардан ортиқ қочқинларнинг аксарияти ўз уйига қайтиб кетди. Фақат баланд тоғ қишлоқларидан келган уч мингга яқин қочқин тумандаги Қорабоғ, Чек ва Янги Ер қишлоқ овулларидаги қариндошлариникида яшашмоқда. Уларнинг 570 нафар фарзанди учун мактабларда ўқиш ташкил этилган.

— Бир кунлик нотинчлик қирқ кунлик ҳаловатни йўқотади, — дейди Боткент тумани фуқароси Сафаралі Нишонбоев. – Юртимизга бостириб кириб, тинч аҳоли оромини бузганларнинг асл мақсадлари нима эканлигини барчамиз тушуниб етдик. Қора ниятли ғаламис кучлар албатта қилмишларига яраша жазо олади.

Мусулмон НАМОЗОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ogohlikka da'vat

ЭЪТИҚОДИМИЗ МУСТАҲКАМ, ВАТАНГА СОДИҚМИЗ

Биз – Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети талабалари Қирғизистон Республикаси ҳудудида бир тўда халқаро террорчилар содир этаётган ғаламисликлардан барча соф виждонли инсонлар қатори қаттиқ ғазабландик. Бу диёнатсиз жангарилар қабиҳ ниятларига эришиш мақсадида аҳолини дўқ-пўписа йўли билан қўрқитиб, босқинчилик қилиб, оддий меҳнаткаш фуқаролар тинчини бузмоқдалар.

Халқимизда «Кўшнинг тинч — сен тинч», – деган мақол бор. Дарҳақиқат, дини, тили урф-одати бир, ўзаро қудаанда, қариндош-уруғ бўлган қирғиз биродарларимиз бошига тушган ташвишга биз бефарқ қараб тура олмаймиз. Қолаверса, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида қирғизлар билан бирга бир оила фарзандларидек бўлиб яшаётган ўзбек, тожик ва бошқа миллат элат вакилларининг тақдири ҳам бизни ташвишлантиради. Кўшни мамлакат тупроғидаги бу халқаро террорчилик бошқа чегарадош мамлакатлар аҳли, жумладан, бизни ҳам сергак торттиради, ўз истиқлолимизни сақлаб қолишга, она Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашга ундайди.

Ўз истиқлоли ва эркини қўлга киритган жафокаш халқимиз саккиз йил ичида озмунча қувончли муваффақиятларни қўлга киритдими?!

Шу қисқа давр мобайнида жонажон Ўзбекистонимиз аҳли Йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамоликлари остида ўзини бутун жаҳон аҳлига қайтадан танитди. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, хусусан, маънавий-маданий соҳаларда дунёни лол қолдирадиган ютуқларни қўлга киритди.

Миллий қадриятларимиз қайта тикланмоқда, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳиссаларини қўшган Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Исо Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби улуғларимиз, халқ сиймоларининг қадамжолари обод қилинди, қадр-қийматлари кўтарилди. Қолаверса, Акобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиев, Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Тўлқин Турғунов каби ўнлаб юртдошларимиз жаҳон чемпионлари бўлиб, дунё халқларига Ўзбекистон паҳлавонлар юрти эканлигини, миллий салоҳиятимизни яна бир карра намойиш этдилар.

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг юртимизнинг эртанги истиқболини ёшларда деб билишлари ва бизни «қувончимиз, суянчиғимиз, ишончимиз» деб эъзозлаб, ҳар томонлама камол топишимиз учун ҳеч нарсани аямаётганликлари, мамлакатда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бизни доимо руҳлантириб туради. Илм-маърифатли, мустақил фикрли инсонлар бўлишимиз учун барча шароитлар яратиб берган меҳрибон халқимиз ва доно Президентимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, оталарча ғамхўрликларини қадрлаймиз, эъзозлаймиз ва бу юксак ишончни оқлашга ваъда берамиз.

Жонажон Ватанимиз қўлга киритган истиқлолни, юртимизда ҳукм сураётган осойишталик ва тинч ҳаётни, амалга ошаётган савобли, эзгу ишларни қаттиқ ҳимоя қилишни ўзимизнинг муқаддас фарзандлик бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бу йўлда, керак бўлса, қўлимиздаги қаламимизни ёвуз ниятли босқинчиларга қарши қуролга алмаштиришга доим тайёрмиз. Зеро. аждодлардан мерос бўлиб қолган, ўз эркини эндигина қўлга киритган она Ватанимизнинг номус-ори, шаён-шавкати, кўп жабру жафоларни бошидан кечирган меҳнаткаш халқимизнинг осуда ҳаёти биз учун ҳамма нарсадан муқаддас.

Д. ОБЛОҚУЛОВА,
тарих факультети талабаси,
М. МАЛИКОВ,
физика факультети талабаси,
Ш. МУСАЕВ,
амалий математика факультети талабаси,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндорлари.
О. ЮСУПОВА,
ўзбек филологияси факультети талабаси,
Навоий стипендияси совриндори,
Ш. ИСРОИЛОВА,
иқтисодиёт факультети талабаси,
Улуғбек стипендияси совриндори.

Teran tomirlar

«ТАЗКИРАИ ҚАЮМИЙ» — МУҲИМ АДАБИЙ МАНБА

Қўқон ўзининг фозилу фузалолари, олиму шоирлари билан юртимизда маълум ва машҳур. Бу кўҳна маскандан кўплаб атоқли инсонлар етишиб чиққан. Шулардан бири маърифатпарвар муаллим, ўлкашунос ва адабиётшунос Пўлатжон Қаюмовдир. Пўлатжон Қаюмов 1885 йили Қўқон шаҳрининг Ҳайдарбек маҳалласида таваллуд топган. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўргач, ёшларни илм-маърифатли қилиб тарбиялашда фидойилик кўрсатган. Домланинг педагогика соҳасидаги самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. У кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилган.

Пўлатжон Қаюмов 1945-1955 йилларда Қўқон ўлкани ўрганиш музейида тарих бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатган. Тадқиқотчи олим фаолияти давомида «Қўқон тарихи ва адабиёти» ҳамда «Тазкираи Қаюмий» асарларини яратган.

«Тазкираи Қаюмий»нинг (1960 йил) асл нусхаси араб ёзувида бўлиб, ўзбек тилида битилган. Тазкирада 324 нафар шоир ҳақида маълумотлар, асарларидан намуналар берилган. Яқинда Республика Фанлар академияси Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими шу асарни жорий алифбода III жилдда нашрдан чиқарди. Асарни олимнинг ўғли, академик Азиз Қаюмов нашрга тайёрлаган.

«Тазкираи Қаюмий»да XI-XIII асрлар умумтуркий адабиёт намояндаларидан Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғузий, XIV аср ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоирлардан Хоразмий, Сайфи Саройи, Дурбек, Саййид Аҳмад, Саккокий, Лутфий, XV ва XVII аср адабиёти вакилларидан Алишер Навоий, Хожа, Мажлисий, Шайбоний, Муҳаммад Солиҳ, Бобур, Ҳусайний, Турди, XVIII асрда яшаган ижодкорлардан Ҳувайдо, Носеҳ, Машраби Соний, Мансур, Шавқий, Равнақ каби шоирлар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Тазкирада, айниқса, XIX ва XX асрларда яшаб ижод этган шоирлар тўғрисида кўплаб материаллар бор. Бу даврларда фаолият кўрсатган Қўқон адабий муҳитига мансуб Маҳвий, Ғозий, Амирий, Маъдан, Акмал, Нодир, Фазлий, Гулханий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Махмур, Мушриф, Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳаййир, Муҳий, Ҳазиний, Насимий, Асирий, Замирий, Ғарибий, Бокий, Фироқий, Чархий, Собир Абдулла, Ҳабибий, Жавдат, Умарий каби етмишга яқин шоирлар ҳақида келтирилган маълумотлар фикримизга ёрқин далилдир. Бундан ташқари, тазкирада Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Шаҳрисабз, Хўжанд ва бошқа жойларда истиқомат қилган шоирлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган.

Тазкирадаги мақолаларда дастлаб у ёки бу шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача маълумот келтирилган. Кейин унинг ижодидан намуналар берилган. Жумладан, тазкиранинг II жилд, 313-бетида шоир Қорий ҳақида шундай жумлалар бор: «Қорий – бу киши Хўқанд шаҳридан бўлуб, Сармозор даҳасида Панжарасозлар маҳалласида ҳунарманд косиб оиласида дунёга келмишдур. Муқимий ила замондош шоирлардан биридур.

Номи Мулла Маҳмуд бўлуб, Мулла Мир Шамсиддиннинг ўғлидур. Бошланғич мактабда маҳалла масжидида хат-саводли бўлуб, сўнгра илми қироат тажвидни Қори Ҳасан домуллода ўрганиб, қорилик унвонига эга бўлмишдур. Мадрасаи Норбўтахонда ўқуб, илми арабий, форсий, сарф, наҳв, луғот ўрганмишдур. Бошда Навоийга эргашмиш шоирлардан бўлуб танилса ҳам, мажзубийлардан бўлуб тасаввуф руҳида шеърлар ёзар эди. Асосий касби имомлик бўлуб, Хўжанд даҳасида Ғози ёғлиқ маҳалласининг катта масжидида узоқ вақт имом бўлуб ўтмишдур... 1906 йилда Хўқандда 78 ёшинда вафот топгандур. Мукаммал бир девони эл орасинда ўқулмоқдадур. Форсийда Жомий ва Бедил ғазалларига, туркийда Навоий, Амирий, Залилий ва Ғозийнинг ғазалларига айтган мухаммаслари жуда мақбулдур». Шундан сўнг мақола охирида Қорийнинг Мавлоно Ғозийнинг ғазалига битган мухаммаси матни келтириб ўтилади.

Тазкирада қайд этиб ўтилган намуна шеърлар лирик турнинг қатор жанрларига мансубдир. «Тазкираи Қаюмий» бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган адабиётшунос олима, филология фанлари номзоди Сайёра Самандарованинг аниқлашича, тазкирада келтирилган шеърларнинг ҳаммаси 10 минг 259 мисрани ташкил этади. Асарда 4996 мисра ғазал, 2300 мисра мухаммас, 120 мисра тарих, 246 мисра назира, 1650 мисра бошқа шоирлар ғазалларига фард, 34 мисра қитъа, 23 мисра мустазод, 126 мисра дебоча, 426 мисра маснавий, шунингдек, мушоира, саломнома, соқийнома, мусаддас, қасида, таржеъбанд, татаббуъ келтириб ўтилган. Шеърларнинг катта қисми ғазал ва мухаммаслардан иборатдир.

Хуллас, Пўлатжон Қаюмовнинг «Тазкираи Қаюмий» китоби XX аср ўзбек тазкиранавислигига улкан ҳисса бўлиб қўшилган муҳим асар саналади. Ушбу тадқиқот ўзбек адабиёти тарихининг ўрганилмаган томонларини очишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Носиржон ОХУНОВ,
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди

ҲАМКОРЛИК ХУСУСИДА

Bevosita muloqot

Ўтган ҳафта юртимизда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтди. Шу кунлари бир қанча конференциялар, маданий ҳамда илмий анжуманлар уюштирилди. Ўзбекистон маҳаллий журналистлари, хорижий журналистларнинг ахборот манбаига айланиб бораётган Миллий матбуот марказида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Накаяма Неко иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистон билан алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли билан боғлиқ. 1992 йилдан бошлаб икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Бунга сабаб Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳамкорлик борасида ўз имкониятларини тўла намоён этиши эди.

— Кейинги йилларда – дея таъкидлади элчи хоним – икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамкорлик янада кенгайди. Айниқса, япон тадқиқотчиларининг Ўзбекистонга келиб, илмий-тадқиқот институтлари билан иш олиб бориши сезиларли аҳамият касб этмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамкорлик ҳам икки давлат манфаатлари асосида ривожланмоқда. Япония ҳукумати ҳар йили олти нафар талабани ўқишга таклиф қилиш билан бирга, Япония жамғармалари ҳисобидан кўплаб тадқиқотчи ва мутахассисларни ҳам ўз ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилаяпти. Келажакда, бу муносабатларнинг давоми сифатида Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ришталари боғланади.

Ҳозирда бозор иқтисодиётининг мукаммаллашуви сари бораётган Ўзбекистон билан ривожланган Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Япония ҳукумати «Телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш» ва «Учта маҳаллий аэропортларни қайта таъмирлаш» проектларининг 2-босқичини амалга ошириш учун 130 миллион доллар (АҚШ) миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган. Бундай кўп қиррали дўстона муносабатларга 1994 йилда Президент Ислом Каримовнинг Японияга қилган расмий ташрифи, шунингдек, Бош вазир Ўткир Султоновнинг кунчиқар мамлакатга қилган сафарлари, қолаверса, Япония ҳукумати вакиллари Кейзо Обучи ва Комура жаноблари Ўзбекистонда бўлиши асос бўлиб хизмат қилади.

МУХБИРИМИЗ

ШАРОИТ ЕТАРЛИ, ЛАЁҚАТ-ЧИ?

Тўрт мучаси соғ бир ёш йигит кўчага чиқиб олиб, тиланчилик қила бошлабди. Буни кўрган бир киши унга шундай таклифни айтибди: икки кўзинг эвазига бир миллион бераман. Йигит, табиийки кўнмабди. Икки қўли эвазига ўн миллион таклиф қилган экан, йигит қатъий рад қилибди. Ана, кўрдингми, дебти шунда бояги киши, сен шундай бойликка эга бўла туриб, тиланчилик қилаяпсан, ақлингни ишлатсанг бўлмайдими?!

11 сентябрь куни Тошкент қурилиш коммунал коллежида бўлиб ўтган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта-махсус таълим даргоҳлари раҳбарлари семинар-кенгашида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов ушбу ривоятни айтиб ўтди. Вазир ўз сўзида ўтказилаётган семинарнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, масалани шундай қўйди: лицей ва коллежларга жаҳон андозаларига мос шарт-шароитлар яратиб берилаяпти — замонавий биноолар, жиҳозлар. Хўш ўқитувчи-мураббийлар савияси, даражаси ҳам шунга мосми? Улар боқимандалик ва шунга ўхшаш эскича туйғу ва қарашлардан воз кечиб, замонга мос равишда ҳаракат қила олаяптиларми? Бу борада қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак бўлади?

Анжуманда сўзга чиққанлар ўқитувчи-кадрларнинг янги педагогик технологиялар билан қуролланишлари юзасидан гапириб, таклифлар киритдилар.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан келган вакиллар тўрт шўъбага бўлиниб, семинарнинг амалий қисмини бевосита аудитория, махсус жиҳозланган хоналарда ўтказишди. Бошқа вилоятлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун семинар-кенгашлар ташкил қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Сирожиддин ХЎДОЙБЕРДИЕВ

Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 490 - болалар боғчаси намунали тарбия ўчоқларидан саналади. Боғча тарбиячилари ўзларининг болаларга бўлган муҳаббати ва мурғак қалбларга йўл топа билишлари туфайли ота-оналар меҳрини қозонганлар. Тарбия масканида ўтказиладиган турли тадбирлар болалар қизиқишининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Суратларда боғча ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Р.АЛБЕКОВ олган суратлар.

O'zbekiston — Qozog'iston

ҚУШ ҚАНОТИ, ОДАМ ДЎСТИ БИЛАН КУЧЛИ

Мана икки йилдирки, республикамизда ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни ривожлантириш ва икки халқ орасидаги маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистон-Қозоғистон» дўстлик жамияти ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Яқинда ушбу дўстлик жамияти ижрочи директори Тўхтасин Ғаниев билан мулоқотда бўлдик.

— Тўхтасин ака, жамият бугунги кунга келиб ўз вазифаларини қандай бажармоқда?

— Дарҳақиқат, жамиятимиз қисқа вақт ичида муайян ишларни амалга оширди. Авваламбор, Тошкентда фаолият кўрсатаётган Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси республика қозоқ миллий маданий маркази, қозоқ тилида чоп этилаётган «Нурли жол» газетаси ва бошқа қозоқ ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа боғладик.

Дастлаб, фаолиятимизни Қозоғистоннинг Туркистон, Тараз шаҳарлари ва Сайрам туманидаги ўзбек мактабларининг ўқитувчи-ўқувчилари билан мулоқотдан бошладик. Учрашув давомида уларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари, китоблар, эсдалик совғалари ва Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Ушбу учрашувлар натижасида Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек мактаблари ўқитувчиларидан юз нафардан зиёди ўтган йили А.Авлоний номидаги ХТХМОМИда лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбоси курсида малака оширдилар.

Бугунга келиб Ўзбекистондаги 593 та мактабда қозоқ тилида ўқитиладиган синфлар мавжуд, 288 та мактабда эса таълим-тарбия ишлари фақат қозоқ тилида олиб борилмоқда. Қозоқ тилида таълим олаётган ўқувчиларнинг сони 160 минг нафарни ташкил этади. Улар учун педагог кадрлар республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланмоқда. Мазкур қозоқ мактаблари учун 1998 йилнинг ўзида 254 минг ҳар-хил дарсликлар нашр қилинди.

Асримизнинг бошларида Турар Рисқулов, Султонбек Хўжанов, Назир Тўрақулов, Мухтор Авезов, Сакен Сейфуллин каби қозоқ арбоб, адиблари Тошкентда яшаб ижод этган.

Ана шундай тарихимизни ўрганиш мақсадида «Назир Тўрақулов – муштарак маданиятимиз арбоби» мавзусида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Халқаро «Н. Тўрақулов» жамғармаси, Алишер Навоий номидаги республика кутубхонаси ва Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда илмий-амалий анжуман ўтказдик. Бунда икки мамлакатдан йирик олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари, дипломатлар, талабалар ва оммавий ахборот ходимлари қатнашди.

— Жамият қозоғистонликлар билан ҳамкорликда қандай тадбирлар ўтказмоқда?

— Ўтган йили жамиятимизнинг бошқарув аъзоси, «Тошкент мебель» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Тўрабек Назаров ташаббуси билан Алмати шаҳрида ушбу бирлашманинг савдо уйи тантанали очилди.

Халқни юксак маданиятигина кўтаради. Шунинг учун, маърифатли халқларимиз, энг аввало, маънавиятига пойдевор бўлган расм-русумларига, урф-одатларига, удумларига эътибор бериб келмоқда. Уларни авайлаб, авлоддан-авлодга етказмоқда. Шу мақсадда Қозоғистон элчихонаси ходимлари билан биргаликда икки халқнинг ибратли оилалари учрашувини ўтказдик. Бунда миллий кийимда бўлган ўзбек ва қозоқ оилалари бола туғилиши, тарбияси, бешик тўй, болага исм қўйиш, келин тушириш, меҳмон кутиш, айтишув, беточар ва бошқа урф-одатларини намойиш этишди. Тадбирда халқларимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, ҳашар, тўй-маъракаларда бир-бирларига кўмаклашиш, оила бузилишига йўл қўймаслик каби удумлар инсонпарварлик асоси эканлиги очиб берилди.

Бизларга Оллоҳ иноятн билан Туркистон деб аталмиш бағри кенг тупроқда туғилмоқ, яшамоқ, тиллашмоқ, насл-насаб қолдирмоқ насибаси берилган экан, буни қадрламоқ учун аждодларимиз руҳини шод этиб, илдизларини чуқурроқ билишга, теранроқ англашга, мағзини тўла уқишга интилиш фарздир. Чунки хотира ва қадр туйғуси, албатта, миллий онг ва миллий ғурурнинг мукаммал ифодасидир.

Шу муносабат билан қозоқ халқининг улуғ олимуламолари бўлмиш Тўлабий, Қозибекбий, Айтекебий, Абилкайир, Дулати, Суюнбой, Абай, Қоркит ота, Абилай хон, Курмангози, Мухтор Авезов,. Собит Муқонов ва бошқаларнинг фотогалериясини ташкил қилдик.

Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қизиқарли учрашувлар ўтказиб турибмиз, санъаткорлар концертини уюштирмоқдамиз.

Шундай учрашувлардан бири Тошкент вилояти меҳнаткашлари билан, сўнг пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 290-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Асқарбек Енкебоев бошлиқ таниқли артистлар Гулмайдон Сукдерова, Қиздиғой Сатторова «Қозоқ эли» газетаси бош муҳаррири Бахит Сарбалаев ҳамкорлигида Бўка, Ўрта ва Қуйи Чирчиқ туманлари хўжаликларида ва Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги таълим муассасаларида беш кун давомида мактаб ўқувчилари ва талабаларига концертлар беришди.

290-мактабда эса Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими ўринбосари М. Бойгутов бошчилигида Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Х. Есенқораева ва М. Рустамов, университет проректори Б. Утелбоев, вилоят таълим департаменти бошлиғи Х. Қозоқбоев каби маданият, санъат, илм-фан вакилларидан иборат 11 кишилик меҳмонлар кутиб олинди. Дўстона учрашувда миллий ашула, рақс ва табриклар янгради, мактаб жамоасига кўплаб дарслик, китоблар, миллий чолғу-асбоблар ва бошқа совғалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида қозоғистонлик таниқли олим, шоир ва жамоат арбоби Аҳмат Бойтурсуновнинг 125 йиллиги ва моҳир сўз заргари Мағжон Жумабоевнинг 105 йиллигига бағишланган анжуман бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошқарди. Қатағонга учраган қозоқ адиблари фаолиятини ёритишда жамиятимиз бошқарув аъзоси, ёзувчи Қолдибек Сейданов жонбозлик кўрсатди. Мағжон ўзбек шоири Усмон Носир билан дўстлашган пайтларида ўзининг «Туркистон» шеърини яратган. Бу шеърнинг ўзбек тилида жаранглаши барчани ҳаяжонга солди.

— Дўстлик жамиятининг келгусидаги режалари қандай?

— Жамиятимизнинг галдаги вазифаси қардош икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевларнинг Алмати ва Остонада, Тошкент ва Туркистонда, Ашхабод ва Бишкекда, Ўрдабоши ва Чўлпон отада ўтказилган тарихий аҳамиятга эга учрашувларда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган хулосалар асосида икки халқнинг дўстлигини ривожлантириш, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Сухбатдош: Нурлан УСМОНОВ

БАХШИЛАР БАҲСИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги биносида халқаро оқинлар айтишуви бўлиб ўтди. Ушбу санъат байрами Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, Ўзбекистон қозоқ миллий-маданий маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги ҳамда мамлакатимизда кечаётган аёллар йилига бағишланди. Унда ўзбекистонлик, қозоғистонлик ва қирғизистонлик жами 20 нафар бадиҳагўй оқин сўз санъати, ижро маҳорати билан ўзаро беллашишди.

Икки кун давом этган мазкур айтишувда Қозоғистоннинг Жамбул вилояти Тараз шаҳридан Муҳамеджон Тозибеков ғолиб деб топилиб, у бош соврин - «Тісо» автомашинасининг соҳиби бўлди. Чимкентлик Оқмарал Леубаевга қозоғистонлик ҳомийлар томонидан рангли телевизор ҳамда видеомагнитофон, Ўзбекистондан мирзачўллик оқин Бўрибой Ўразамбетовга мусиқа маркази топширилди. «Ўзбекистон - Қозоғистон» дўстлик жамияти номидан жамият ижрочи директори Тўхтасин Ғаниев энг илғор оқинлар — Нуржон Умбетов (Ўзбекистон), Ойгул Тўрабекова (Қозоғистон) ҳамда Абдували Акимбеков (Қирғизистон)ларга қимматбаҳо ғиламлар топширди.

Туркий халқлар абадий дўстлигини куйлаган ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Нур АЛИ

Yaxshilar oramizda

«БОРИМИЗ БОЛАЛАРНИКИ...»

Бу мен сизга таништирмоқчи бўлаётган фидойи муаллим Раҳматилла Ҳайдаровнинг эътирофи. «Ўзингиз бир эътибор қилинг-а, — дейди Раҳматилла ака, — халқимиз борини болаларидан аярмиди. Керак бўлса, «йўғини ҳам йўндириб» беради фарзандларимиз учун. Халқимизнинг бундай болажонлигига ўзим ҳам кўп бор гувоҳ бўлганман. Мактабимиз 1992 йилда ҳашар йўли билан қурилди. Қишлоқ аҳли 11 та синф хонасидан иборат бўлган бинони бир йилда қуриб, фойдаланишга топширдилар. Одамларимизнинг ўшанда уюшқоқлик билан меҳнат қилишини кўрсангиз эди. Мана, бу йил ҳам мактаб эҳтиёжи учун қўшимча яна 4 та синф хонасини қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан қуриб бераяпти. Бино учун одамлар 100 та терак ҳадя қилишди. Халқимизнинг мактабга бўлган эътибори, бу ҳиммати биз ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди».

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, одамларимиз онгида ижобий ўзгариш содир бўлди. Мактаб қуриб берадиган, ўқувчилар учун стипендиялар ажратадиган, дарслик ва китоблар сотиб олиб берадиган маърифатпарвар кишиларимиз сафи кенгая бошлади. Таъбир жоиз бўлса, кўпгина юртдошларимиз Мустақилликка бўлган муносабатларини мактаб қуриш орқали намоён эта бошладилар. Бу қувончли.

Ғаллаорол туманидаги Чувуллоқ қишлоғи Сангзор дарёсини ёқалаб узунасига жойлашган. Шу боис, қишлоқнинг бу бошидан нариги чеккасигача бўлган йўл ҳам анчагина масофани ташкил этади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ мактабига қатновчи болаларга ҳам бироз мушкуллик туғдирарди. 1992 йилда қишлоқ ҳудудида янги, 79-мактабнинг ташкил этилиши нафақат ўқувчиларни, балки ота-оналарни ҳам севинтирди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, янги мактаб бир йилда ҳашар йўли билан қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Минг қўшчига бир бошчи» деганларидай, қишни тўғри ташкил эта билишда, одамларнинг уюшқоқлик билан ишлашларини уюштиришда ташаббускор инсон, олий тоифали ўқитувчи Раҳматилла Ҳайдаровнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Р.Ҳайдаров, мана, 25 йилдирки, ёшларга таълим-тарбия бериб келади. Бу давр мобайнида у кўпгина таълим даргоҳларида меҳнат қилди. 1992 йилдан буён эса, янги ташкил қилинган 79-умумий ўрта таълим мактабига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда 22 нафар ўқитувчи меҳнат қилаётган ва 250 нафар ўқувчи таълим олаётган ушбу мактабда таълим-тарбия ишлари тобора жонланмоқда. Мактаб ҳаётига оид хабар ва янгиликлар эса, мактаб радиотармоғи орқали жамоага мунтазам етказилиб турилибди. Ушбу мактаб битирувчилари орасида олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилинаётган ёшлар сони ошиб бораётганлиги ҳам бу ерда ишлар яхши ташкил этилганлигидан далолатдир.

Мактаб жамоаси ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлида ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда. Илм даргоҳига қарашли бир гектар майдонга экилган 6 минг туп терак ва турли мевали дарахтлар ҳадемай фойдаланишга яраб, мактаб корига асқотиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, билимдон ўқувчиларга ва «боримиз болаларники» деб турган тиниб-тинчимас раҳбарга эга бўлган мактаб иши фақат олға силжишига шубҳа йўқ.

И.БЎРИБОЕВ

БЕШ ҚИТЪА БИРЛАШДИ

(Боши 1-бетда)

Дунё нигоҳи пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуига қадалган. Халқаро андозаларга жавоб берадиган, барча қулайликлар билан ташриф буюрганларни хушнуд этадиган теннис кортлари бугун ҳаяжонларга ошён. Президент кубоги учун ўтказилаётган теннис бўйича VI Халқаро турнирнинг асосий баҳсларида уч теннисчимиз иштирок этмоқда: Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко.

Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб ТЕННИС билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳеч қандай шартли изоҳларсиз айтилмоқда. Чунки қисқа вақт ичида спортнинг бу тури кўнглимиздан жой олди, эътиборимизни тортди.

«Президент кубоги» анъанавий халқаро турнирининг бу галгиси теннис мухлислари учун ҳам, турнир иштирокчилари учун ҳам ўзгача мазмунга эга. Аввало, Президент кубоги халқаро мусобақасининг «АТР - Tour» таснифига кирганига уч йил тўлди. Бу вақт давомида турнир жаҳондаги етакчи теннисчилар диққатини жалб қилишга улгурди. Қолаверса, ушбу нуфузли мусобақа иштирокчилари моддий манфаатдорлик билан бир қаторда финал босқичидаги иштироки учун бериладиган очколар (ғолиб учун - 170 очко, иккинчи ўрин учун - 123 очко) ҳисобига ўз мавқеларини ошириш имкониятига эга бўладилар. Савол туғилиши табиий: «Хўш, мухлислар учун бу галги турнир қандай мазмун касб этади?». Гап шундаки, ватанимизда беш бор ўтказилган мусобақаларда 160 нафар кучли теннисчилар ўзаро куч синашган, беш марта чемпионлар аниқланган. Лекин, шу вақтгача ҳал қилувчи баҳсларда бизникилар ўз маҳорату имкониятларини тўла намоён қила олганлари йўқ. Балки шу пайтгача спортнинг бу тури биз учун янгилиги, бу йўналишда тажрибанинг камлиги кўпчиликка таскин бериб келгандир.

Бироқ, мухлисларнинг аксарияти ҳақли равишда бу йилги мусобақалардан ҳар йилгидан фарқли натижалар кутишмоқда. Бундай дейишимизга юртимизда теннис ривожи учун яратилаётган шарт-шароитлар, ўтган муддатда эгалланган тажрибалар изн беради. Шунингдек, ҳар бир теннис ишқибози шу кунгача Президент кубоги мусобақаларининг ғолибларига насиб этган икки миллионга яқин АҚШ доллари миқдоридаги маблағларга нисбатан ўзбекистонлик теннисчиларда ҳам эгалик қилиш ҳисси кучайган бўлса ажабмас, дея ҳисоблашлари табиий. Бундан ташқари кўрсатувлари Тинч океани ва Осиё минтақасидаги 98 миллиондан зиёд томошабинга етказиб бериладиган, ПТА - турнинг ESPN телевизион канали мухлисларининг қаршисида корт эгалари муносиб ўйин кўрсатса, яраша веради... Лекин начора, спортда омад деган нарса ҳам бор.

Фахриддин КАРИМОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

1994 йил



Чак Адамс (АҚШ)

1995 йил

Карим Аламий (Марокаш)

1996 йил

Феликс Мантийя (Испания)

1997 йил



Тим Ҳенман (Буюк Британия)

1998 йил



Тим Ҳенман (Буюк Британия)

1999 йил

???

Xullas...

ДУНЁ ГЎЗАЛИ МУҲАНДИС БЎЛМОҚЧИ

Қизлар чиройли либос, соч безаклари, ихчам, қулай оёқ кийимларга, уларнинг аксарияти ширинликка ҳам ўч. Қиз туғилганда «ҳолва» деб қуйишимизнинг боиси ҳам шунда.

Бутун дунёда қизлар табиатига хос муштараклик бор. У ҳам бўлса, гўзаллар гўзали бўлиш. Орзуга айб йўқлигини инкор этолмаймиз. «1999 йил дунё гўзали» танловида ғолиб чиққан қора танли Мнуле Квелабени яқин қариндошлари, таниш-билишлари қучоқлаб табриклашди.

Мнуле Ботеван шаҳридан бўлиб, ҳали ҳеч бир қиз бу ердан дунё миқёсида танловга қатнашишга журъат этолмаган эди. Соатлаб давом этадиган репетиция, имо-ишорага яширинган жозибадорлик, уйқусиз кечалар – барибарига нуқта қўйилди. Қизгина ўз қомати ва вужудидаги гўзалликни тўлиқ намоён эта олди.

Негр қиз журналистларнинг саволларига шундай жавоб қилди: «Ўқиб инженер бўлмоқчиман. Гўзаллигимнинг тан олиниши эса мени беҳад қувонтириб юборди».

Дарвоқе, Кариб денгизига яқин жойдаги Тринидад оролчасида бўлиб ўтган гўзаллар танлови ташкилотчиларининг таъкидлашича, бундан 2,5 миллиард телетомошабин баҳраманд бўлди. Радиотингловчиларга эса вертолёт орқали трансляция узатилди.

ҚАҲВАХЎРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Қаҳвани кўпчилик хушлайди. У уйқу қочирувчи восита бўлиш билан бирга, кайфиятни кўтаради.

Петербургда очилган қаҳвахўрларнинг халқаро биринчи фестивалида кўплаб чашкалар бу ичимликка тўлдириб қўйилган эди. Ахир, бу ерга қаҳванинг ашаддий ишқибозлари йиғилишганди-да.

Ҳали анъанага айланиб улгурмаган фестивални ўтказиш ғояси Нева шаҳрида туғилди. Бу ерда Россиянинг бошқа ҳудудларига нисбатан қаҳва кўп истеъмол қилинади. Ўтган йили 4400 тонна қаҳванинг Невага келтирилиши ҳам шундан далолат. 2.8 миллион петербургликлар бу ичимлик деса, ўзини томдан ташлашга тайёр.

ana shunaqa gaplar...

QUTLOV

Ҳурматли Ҳаким ХОЛИҚОВ!

Сизни табаррук 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизнинг Қумқўрғон туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабида олиб бораётган ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишларингизда ривож тилаймиз. Ҳамиша соғу омон бўлинг.

Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингиз.

ОРАМИЗ ОЧИҚ

(Ҳажвия)

Херберт ЛУКС

Моҳир тикувчи Шмулке одатий ҳолатда столи устида иш билан машғул бўларкан, шошилинч буюртма олган костюмини тугатиш арафасида эди. Кутилмаганда эшик ланг очилиб, жадал қадам билан устахона ичкарисига салобатли бир эркак кириб келди.

— Мен Леман, - исми - шарифини дангал айтиб ўзини таништирди ва устага танқидона назар ташлади:

— Хўш, уста жаноблари, гапнинг индаллосини айтсак, нега стол устида ўтирибсиз?

Шмулке аввалига бу суллоҳни: «Менинг қай тарзда ўтиришим билан неча пуллик ишинг бор?» деб жеркимоқчи бўлганди, аммо унинг важоҳатидан: «яхшиси, бу Леман билан бет тирнашмаганим маъқул», деган истиҳолага борди. Кўринишидан хўжайинсифат, калондимоққа ўхшайди...

Балки чув тушириши ҳам мумкин. Уста столдан силжиб стулга ўтирди.

— Мана бу бошқа гап, жаноб уста, - тасдиқ маънода бош чайқади чақирилмаган меҳмон. Энди эса бизни шоёндиққатлик билан тингланг. Мана бу тикаётган дастмоянгиз, — у игнага ишора қила туриб деди, - ҳеч воқоа ярамайди. Тушунарлими? Каттароғидан ишлатинг. Меҳнат самарадорлигини ошириш учун.

Ҳангу манг бўлиб қолган Шмулке энди стулидан сирғалиб полга туша бошлади, аммо бемаврид ташрифчи жиддий тарзда қошларини чимирди ва бир оз овозини кўтариб давом қилди:

— Кейин, айтинг-чи, енглардаги мана бу тугмачалар нимаси?

— Б-б-у-у р-расми, м-мо-одаси шунақа, - ғудранди кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчи мутахассис.

— Йўқ қилинг. Барча тугмалар йўқ қилинсин. Енглардан ҳам, костюмнинг ўзидан ҳам. Тушундингизми, Уста? Ишлаб чиқариш салмоғини кўтариш мақсадида.

— С-салмоғини к-кўтариш, - пичирлаган бўлди қўл меҳнати соҳиби. — Айтинг-чи, ўзингиз тикувчилик касб-кори ҳақида лоақал тариқча тасаввурга эгамисиз?

— Бўлмасам-чи, — жавоб қилди Леман, нутқига урғу бераркан, - мен ҳам бу соҳанинг етакчи билимдонларидан бўламан. Ўтган йил пайпоғимдаги тешикни тўрлаб ямаганман, Рости, яхши чиқмади савил. Улоқтиришга тўғри келди. Аммо ямадим.

— Ундай бўлса, бурнингизни... — бошламоқчи бўлганди сабр косаси тўлган Шмулке, бироқ бетиним уқтирувчи шахс гапини шарт бўлди:

— Таажжуб, Сиз мени танимадингиз. Камина ўғлингиз ўқийдиган 5-«А»нинг синф раҳбари бўламан. Ўтган ота-оналар йиғилишида Сиз менга ўқиш-ўқитиш, таълим - тарбия ҳақида устамонлик билан чиқиш қилиб, авра-астаримгача ағдардингиз. Мана энди ҳар иккимизнинг орамиз очиқ. Хайр омон бўлинг!

Олмон тилидан Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ таржимаси

ЁН ДАФТАРДАН

Аёл — буюк мусаввир, у ҳар куни безанаркан, ўзида энг гўзал суратни намоён этади.

x x x

Аёлнинг мавқеи — ўстирган фарзанди салоҳиятига қараб белгиланади.

x x x

Фарзандлар камоли - оналар жамоли

x x x

Дунё сизга ўхшасин, аёллар!

x x x

Бир умр ҳаётимиз, бахтимиз ва авлодимиз давомийлиги учун, барибир, Аёл олдида қарздормиз.

Хадича МЎМИНОВА,
Қарши Давлат университети катта кутубхоначиси

Sport maydonchasi

ТЕННИС ПЛЮС ...?

«Президент кубоги» бошланишидан сал олдин теннис бўйича АҚШ очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Унда жаҳон теннисчилари таснифида иккинчи поғонани эгаллаб турган америкалик машҳур Андре Агасси ғолиб чиқди. Унга 750 минг доллар мукофот беришди. Ярим финалда бой берган Кафельников юртимизда бўлаётган турнир ғолиблигига асосий даъвогар ҳисобланаяпти.

МОЖАРО ҲАЛ ҚИЛИНДИ

ФИФА ва ОФК ўртасидаги машҳур можаро ҳал қилиниб, томонлар келишиб олдилар. Келишувга кўра, Осиёга ажратилган 4,5 ўрин қолдирилди. 2002 йилги жаҳон чемпионати мезбонлари сифатида Япония ва Кореядан ташқари қитъамизнинг энг кучли яна икки жамоаси финал турнирида иштирок этади. Учинчи жамоа эса Европанинг бир жамоаси билан қўшимча ўйинда иштирок этади.

СУПЕРКУБОК... ҚАЙТАРИЛДИ

«Навбаҳор» жамоаси биринчи суперкубокни қўлга киритганидан хабарингиз бор. Аммо суперкубок Наманганга кетишни хоҳламади... Гап шундаки, ўйин тугаган заҳоти «Навбаҳор» клуби раиси кубокни синдириб қўйди... зўдлик билан кўрилган чоралар туфайли «Миконд» заводи кубокни қайтадан ясаб берди. Наманганликлар энди уни музейда, кўз қорачиғидай сақлашга ваъда беришди.

ИРОДА ЯНА ЧЕМПИОН!

US Open турнирининг жуфтликлар баҳсида теннис юлдузимиз Ирода Тўлаганова чехиялик дугонаси Даниэла Беданова билан биргаликда ҳаракат қилиб, ғолиб чиқди. Якка баҳсларда эса Ирода ярим финалгача етиб борди.

ОЛИЙ ТАБАҚА

жамоалари навбатдаги 23-тур ўйинларини ўтказишди:

«Сурхон» — «Трактор» — 1:1,
«Андижон» — «Самарқанд» — 2:0,
«Бухоро» — «Навбаҳор» — 0:1,
«Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 2:1,
«Металлург», — «Пахтакор» — 1:2,
«Зарафшон» — «Янгиер» — 3:1,
«Насаф», — «Темирйўлчи» — 3:2,
«Хоразм» — «Дўстлик» — 2:3.

АБАДИЙ СЕВГИ ҚАСРИ

Olam mo'jizalari

«Муҳаббат ва қулфат кошонаси», «Оқ мармар достони», «Севги қасидаси»...

Тож Маҳал ана шундай номлар билан таърифланади. Ҳақли равишда дунё муъжизаларидан бири деб ҳисобланадиган, ниҳоятда гўзал бу обида XVII асрда бобурий ҳукмдор Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан Аграда қурилган. 18 йил давомида Шоҳ Жаҳон ўз қасри деразасидан машҳур меъмор Устод Исо раҳбарлигида 20.000 ишчининг суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал (Аржуманд Бону) шарафига барпо этилаётган мақбара қурилишини кўриб туради. Шоҳ севгилисининг абадий хобгоҳи пардози учун на олтин, на кумуш, на қимматбаҳо тошлар, на қора мармарни аяди. Ажойиб мутаносиб равишда яратилган бинонинг гумбазини ҳиндистонликлар «Самовий тахтда нафас ростлаётган булутча» деб атайдилар.

Ушбу қаср қурилиши жиҳатидан ҳам ниҳоятда ноёб ва ўзига хосдир. Тўрт бурчагидаги миноралар бинодан қарама-қарши томонга 1 градусдан оғма қилиб махсус қурилган. Қаср жуда мустаҳкам, миноралар эса вақти келиб, қачондир қулаб тушиши мумкин. Шундай экан, улар қулаётиб, асосий бинога шикаст етказмасин, деган мақсадда юқоридаги чора қўлланилган.

Саройнинг олд томонида, ердан то пештоқнинг энг юқорисигача саҳнда Қуръони Карим оятлари битилган. Уларни ёзишда инсон кўзининг имкониятларию, муайян оптик қоидаларига қатъий амал қилинганки, бино яқиндан туриб қараган одамга пастдан то энг юқоридаги ҳарфларгача бир хил катталикда, аниқ-равшан кўринади.

Тож Маҳалнинг қурилиши тарихи ҳам қизиқ. Устод Исо ўзи яратган лойиҳани кўп мамлакатларнинг подшоҳларига кўрсатган, аммо лойиҳа қурилиши ниҳоятда қиммат ва машаққатли бўлганлиги сабабли рад этилган. Меъморнинг ноёб лойиҳаси ҳақида эшитган Шоҳ Жаҳон уни Ҳиндистонга чақириб, қасрни Аграда қуришга амр этади. Ҳиндистондаги буюк салтанат соҳиби бўлмиш Шоҳ Жаҳоннинг суюкли хотини Мумтоз Маҳал вафот этгач, чинакам муҳаббат эгаси бўлган подшо бу ёруг оламда елгизланиб қолгандек ҳис этади ўзини. Улкан салтанатда ҳеч нарса ва ҳеч ким унга севикли ёр ўрнини босолмайди. Ниҳоят, донишманд шоҳ марҳума рафиқаси шарафига дунёда ягона ва бетимсол бўлган ёдгорлик барпо этиб, гамбода кўнглини андак овутмоқчи бўлади. Қанча бойлик сийму зар керак бўлса, ол, аммо обида дунёда тенгсиз бўлсин! Ҳиндистон ўша пайтда энг бадавлат мамлакат эди. Халқ ҳам Шоҳ Жаҳон замонида жуда яхши ҳаёт кечирган. Инглиз сайёҳларидан бирининг ёзишича, «шоҳ қўл остидагиларга нисбатан ота ўз боласига бўлгандек меҳрибон» экан.

Айтишларича, шоҳ меъморга фақат биргина, аммо ниҳоятда оғир шарт қўйган: унинг лойиҳаси бекаму кўст амалга оширилган ҳолда ишнинг энг сўнггида меъморнинг иккала қўли чопиб ташланиши лозим. Токи у бошқа ҳеч қаерда бунчалик гўзал иморат қура олмасин. Устанинг бу ҳаёлий қасри унинг ҳаёти мазмунига айланган эди. Шунинг учун ҳам ниҳоятда ноёб лойиҳаси қабул қилинганидан севиниб, бу оғир шартга ҳам рози бўлади.

Ниҳоят, қаср қурилиб, уста ўзининг мудҳиш «мукофоти»ни оладиган вақт ҳам келади. Халқ тўпланади. Подшоҳ амри вожиб. Шунда уста оғир айрилиқ олдидан энг сўнгги тилагини сўрайди. Подшоҳдан рухсат олгач, қўлига асбобларни олиб, сарой томига чиқади-ю, гумбазнинг бир жойидан кичик тешик очади. Сўнгра пастга тушгач, айтадики, «бу тешикни ҳеч ким беркитмасин. Ёғин-сочин пайтида тешикдан бино ичига тушган томчилар менинг кўзёшларим бўлади. Энди ҳар қандай жазога тайёрман. Бошласинлар...». Гувоҳларнинг айтишича, бу тешик ҳозир ҳам бор, ундан сув тўхтовсиз «устанинг кўзёшлари» бўлиб томиб турар экан...

Беназир Тож Маҳал ҳозир ҳам бутун савлати билан юксалиб турибди. Ҳамон ўз гўзаллиги билан бутун инсониятни ҳайратга солаётир. Унинг қурилишида андижонлик, самарқандлик, умуман кўплаб туркистонлик усталар қатнашганлар. Гўзалликда унга эҳтимол фақатгина Оқсарой тенглашиши мумкин эди. Аммо Кешдаги Оқсарой бизнинг давримизгача кўп сабабларга кўра, етиб келмади.

Ўтган асрда Ҳиндистонни обдон талаган инглиз мустамлакачилари ҳатто Тож Маҳални ҳам гиштма-гишт бузиб, кемага юклашни кўзлаган эканлар. Уни Британияга элтиб, ўша ерда қайта қурмоқчи бўлганлар. «Бундай бетимсол мўъжиза Ҳиндистонда эмас, Англияда қад ростлаши керак», дейишади улар. Аммо ҳинд халқи қатъий курашга кўзғалиб, Тож Маҳални халқа бўлиб ўраб олганлар. Босқинчилар ниятига ета олмаган.

Оқсаройга нисбатан эса бизда ҳиндлардагидек эҳтиромли муносабат бўлмаган. У аксинча, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро ички низолари қўрбони бўлган. Ҳатто, асримизнинг 20-30 йилларида уни батамом бузиб ташлаш, сифатли гиштларини олиш ниятида катта ҳашарлар уюштирилган, уларда маҳаллий халқ ҳам фаол иштирок этган экан!

Алам қилади одамга...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, журналист

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: **Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0727. Тиражи 24020. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти 20.00. Топширилди 22.00

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Навоий Давлат педагогика институтининг уқув ишлари проректори Б.Избосаровга онаси

Шаҳрибону ая Избосарова

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар фан ва таълим ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси, туманлар халқ таълими бўлимлари Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири Малик Абдалимовга онаси

ИЗЗАТ ая

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимияти ва Чилонзор туман халқ таълими бўлими ТХТБ мудири Малик Абдалимовга онаси

ИЗЗАТ ая

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази Жамоаси шу марказнинг олий тоифали методисти

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари, физика-математика факультети жамоаси техника фандари доктори, профессор

Маҳкам ЗИЁХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.